САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати муқаддас Рамазон ойи сизга, Ўзбекистон халқига ва ҳукуматига, шунингдек, барча мусулмонларга бахт-саодат ва равнақ келтиришини тилайди.

ҲУСАЙН,
Иордания Ҳошимийлар подшолиги подшоҳи.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ислом жамоаси муборак Рамазон ойини катта хурсандчилик ва хушкайфият билан кутиб олаётган ушбу айёмда сиз жаноби олийларини қутлашдан ва сизга энг яхши тилакларимизни билдиришдан бахтиёрмиз.

Биз Яратганга илтижолар қилиб, ундан сизга келаси йилдаги Рамазон ойини ҳам саломатлик ва хотиржамлик билан кутиб олишни, фуқароларингизга эса эзгу ният ва мақсадларини амалга ошириш имконини беришни ва шу йўл билан мамлакатингизга ўз раҳматини ёғдиришда давом этишини сўрамоқдамиз.

Рўза тутиш, тақвога юз буриш, ибодат қилиш ва мушоҳадага берилишлар воситасида мўминларнинг имонлари яна бир поғона юксаладиган ушбу муборак кунларда Ислом умматининг қайтадан уйғонишига ҳамда Оллоҳнинг буюклиги ва шарофати акс этган қадриятларнинг қайта тикланишига ишончимиздан сизни хабардор қилиш бизга мамнуният бахш этади.

Мусулмонларга олижаноб хулқ-атвор, сабр-қаноат инъом этган Оллоҳдан имонимизни бут қилишини, сафларимизни жипслаштиришини, жаҳонда тинчлик ва аҳилликни сақлагани ҳолда, мусулмонларга ўзларига муносиб жой ато қилиб, уларнинг манфаатларини юқори қилишини, фуқароларимизнинг фаровонликларини таъминлаш йўлида бизларга раҳнамо бўлишини илтижо қилмоқдамиз.

Буюк ва раҳмдил Оллоҳ ҳаммамизни ниятимизга етказсин.

Ҳурмат ва эҳтиром ила,
Биродарингиз ҲАСАН II,
Марокаш подшоси.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан сизга табрик йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади. Қудратли Оллоҳ ислом оламига тинчлик ва бахт ато этсин.

Кези келганидан фойдаланиб, сизга ва мамлакатингиз халқига рўзани тинчлик ва фаровонликда ўтказишни, шунингдек, барча мусулмон халқларига тотувлик тилайман.

Қобус бин САИД,
Уммон султони.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи бошланиши муносабати билан сиз жаноби олийларига ва сиз орқали Ўзбекистон халқига Фаластин халқи, Фаластин миллий маъмурияти ва шахсан ўз номимдан энг эзгу табрикларимни ва самимий истакларимни йўллаш менга зўр мамнуният бағишлайди. Оллоҳдан сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва омад, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Ёсир АРОФАТ,
Фаластин давлати Президенти,
Фаластин Озодлик ташкилоти ижроқўми Раиси,
Фаластин Миллий қўмитаси Президенти.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 14 январь, сешанба № 6 (22.091).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА

Ҳурматли аскарлар ва офицерлар!
Қадрли дўстлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни билан чин юракдан муборакбод этаман.

Дунёда «Ватан» сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқдир. Мазкур тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, асрлар оша аждодларимиз ўгитларида, халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларида яшаб келмоқда.

Мана, беш йилдирки, мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни миллий байрам сифатида нишонланмоқда. Бу байрам — эл-юртга садоқат байрамидир. Бу байрам ўз моҳиятэътибори билан авлодлар ўртасидаги узвийликни, Ўзбекистон аҳлининг жанговар соҳа намояндаларига бўлган чуқур эҳтиромини акс эттиради.

Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, келажаги буюк давлат барпо этаётган Ўзбекистон фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорона меҳнати хавфсизлигининг кафолатидир.

Ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучларимиз фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялайдиган, чиниқтирадиган ҳақиқий жанговар маҳорат мактабига айланди. Ёш авлодга таълим тарбия беришда мавқеи янада ортди.

Азиз дўстлар!

Қуролли Кучларимизнинг шахсий таркибини Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучлар ташкил топганининг беш йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, бахт-саодат, Ватан мудофаасидек шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Барча ишларингизда соҳибқирон бобомиз Амир Темур руҳи ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга... жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун, унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан». Буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур ворисларининг йигитлик бурчларини адо этиш чоғида мовий яшил байроғимизни маҳкам тутиб айтган дил сўзларида Ватан туйғуси, миллат ифтихори намоён. Шонли Қуролли кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбий бошлиқлару аскарлар бугунги байрамни ана шундай кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқдалар.



3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий ва хизмат бурчини ўташда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Азимов Улуғбек Илёсович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Отахонов Раҳматулло Нигматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги миллий гвардияси командири ўринбосари

Бафоев Жўра Бақоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари батальони командири

Назаров Абдурашид Ражабович — Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлими инспектори (марҳум)

Нигматуллин Салиулло Гиззатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисми комендатураси коменданти

Сурганов Александр Викторович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алиев Алишер Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Акбаров Анвар Собиржонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўқув ротаси командири

Аҳмедов Марат Ринатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командири

Баженов Пётр Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бурунов Владимир Александрович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги штаб бошлиғи ўринбосари

Дадабоев Шердил Восиджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мотоўқчи батальони командири

Дорохин Леонид Ильич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

Ерназаров Баҳодир Ботиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшилмаси командири ўринбосари

Иванников Михаил Иванович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқаруви бўлими бошлиғи

Исамуҳамедов Раҳмон Ортиқович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм бўлинмаси командири

Қорабоев Абибулла Беркимбоевич — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасининг катта оператив вакили

Каримов Ўктам Баҳронович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшилмаси бўлим бошлиғи

Лардугин Михаил Федорович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эскадрилья звеноси командири

Низомов Фарҳод Хаитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нурдинов Баҳром Таваккалович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Слюсаренко Николай Никифорович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Толипов Алижон Комилович — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасининг катта оператив вакили (марҳум)

Ҳакимов Рустам Раҳматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳамроқулов Низомжон Озодбекович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Ҳикматов Шарипбек Зубайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кичик мутахассислар тайёрлаш маркази бошлиғи

Човбоев Рамозон Эрматович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Чориев Сафар Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм командири

Шарифхўжаев Шавкат Ашрафович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати институти кафедра бошлиғи

Шоҳмардонов Жамшир Жумаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Белокон Павел Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм оркестри катта мусиқачиси

Каримов Баҳодир Анварович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм командири ўринбосари

Мавлонов Абдулазиз Муталович — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти

Ҳакимов Набижон Нуғманович — Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Шоназаров Бахтиёр Маҳмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Маҳбубов Шавкат Ғуломович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий студияси бадиий раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Акрамов Воҳиджон Зоҳиджонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Голошапов Анатолий Григорьевич — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли балетмейстери

Қодиров Тоҳир Зоирович — Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Машарипов Аҳмаджон — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаҳамдамов Абдураззоқ Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Муҳамедов Анвар Отабоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

Раҳматов Тошкенбой Холматович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм взвод командири

Тўрахўжаев Абдуборихон Боситович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Халимзода Марат Баҳриддинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ҳарбий қисм командири

Шўраев Тоҳир Гараевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 13 январь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вазирликлари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тўғрисидаги Низом ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

3. Жамғарма бошқаруви, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Давлат тест маркази бир ой муддат ичида танловларни ўтказиш ва грантлар бериш шартларини ишлаб чиқсинлар ҳамда иқтидорли ёшлар юборилиадиган етакчи чет эл олий ўқув юртларини аниқласинлар.

4. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

— чет элда таълим олаётган ёшларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид зарур ахборотлар билан доимий равишда таъминлаб турсин;

— жамғармага чет элдаги етакчи ўқув, илмий марказлар ва таълим соҳасида ишловчи халқаро ташкилотлар билан иш юзасидан алоқа ўрнатишга ёрдам берсин.

5. Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан жамғарма фаолиятини ташкиллаштириш учун 10 миллион сўм ажратсин.

6. Республика пул-кредит сиёсати комиссиясига жамғарма фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган маблағлар конвертациясини устувор тарзда таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки:

— жамғарма учун миллий ва хорижий валюта ҳисоб-рақамларини очсин;

— жамғармани Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уйга жойлаштирсин ва зарур алоқа воситалари, компьютер техникаси, транспорт, офис жиҳозлари билан таъминласин.

8. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа ахборот воситалари жамғарма фаолиятини доимий равишда ёритиб борсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 13 январь.

Ташриф арафасида

«ЧЕХИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

—Яқин келажакда Ўзбекистон иқтисоди ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман, — дейди Чехия Республикасидаги «Салус Трейдинг» фирмасининг бош директори Мирослав Петерка биз билан суҳбатда. — Фирмамиз ҳам мамлакатингиз иқтисодини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

«Салус Трейдинг» Ўзбекистонга Чехия корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар — кафеллар, сантехника ва қурилиш ашёларини етказиб берувчи энг катта фирмалардан бири ҳисобланади. Бу фирманинг аввалги номи «Лео Трейдинг» эди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда Тошкентдаги «Туркистон» саройини ва «Динамо — Тошкент» теннис ўйингоҳини қайта таъмирлаш бўйича катта лойиҳани амалга оширди.

Ҳозирча, ўзбек-чех ёки ўзбек-словак қўшма корхоналарининг сони унчалар кўп эмас.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг келажакда гуллаб-яшнаши ва кучли асосга қурилишига шубҳа йўқ, — дейди яна фирма бош директори. — Албатта, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Чехияга сафари бунга имкониятлар яратиб беради. Мен бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликларни янги поғонага кўтаришига қатъий ишонаман.

Аслам АКБАРОВ.
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ҲАРБИЙ ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ

***ФАРҒОНА.** Мактаблар ўқувчилари орасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг беш йиллигига бағишланган ҳарбий қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилди. Она-Ватан ва жасур мудофаачилар ҳақидаги қўшиқларни ҳарбийча кийинган ўқувчилар ижро этишди. Фарғона шаҳридаги 1-мактаб ўқувчилари танлов ғолиби бўлдилар.*

Алишер ИБОДИНОВ.

Очиқ, аммо аччиқ гаплар

ШАРТНОМА ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

Қорақалпоғистондаги туманлардан бирининг ҳокими гўшт дўконларида гўштнинг нархи фалон сўмдан ошмасин, деб белгилаб, солиқчиларга нарх устидан қатъий назорат ўрнатишни топширди. Гўшт нархини «ушлаб туриш»нинг бу энг «осон» йўлига қассоблар қандай жавоб беришгани айтмасимданоқ, аён бўлса керак — бир неча кун давомида гўшт дўконлари тақа-тақ бекилди. Келинг, давом этайлик, агар қассобга гўшт нархини арзонлаштириш ҳақида буйруқ бериш мумкин экан, унда мол эгасига ҳам молини қассобга арзон баҳода сотишни буюриш мумкин бўлар. Унда ем-хашак етиштирган деҳқонга ҳам нарх белгилаб бериш мумкин. Унда... унда бозор бўлмайди-да!

Гўштнинг нархи нега кун сайин ошяпти, нега сутни қайта ишлаш корхоналарига келаётган сут камайяпти? Нега оммавий равишда очилган чорвачилик фермер хўжаликларининг бир қатори фаолияти тўхтатиляпти? Балким, бу саволларга битта уюшма мисолида жавоб излаш унчалик ўринли эмасдир, лекин, ҳар ҳолда, бу соҳанинг оқсашига сабаб бўлаётган шароитни кўриш қийин бўлмаса керак.

Деярли барча раислар чорвадор фермерлар ҳақида бир хил фикрда: «Пахта экилаётган энг яхши ерларимизни ажратдик. Улар бўлса ердан унумли фойдалана олишмаяпти. Шартномада белгиланган чорва маҳсулотларини бера олишмаяпти».

Деярли барча фермерлар ҳам раислар ҳақида бир хил фикрда: «Менга ёмон ер ажратди. Шартномадаги маҳсулотни талаб қилишни биладию, техникадан ёрдам қилмайди...» ва ҳоказо.

Беруний туманидаги Ўрозбой Жуманиёзов номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида ҳам шундай бўлди. Бошқарув раиси Мақсуд Ҳожибоев фермерларга ажратилган 80 гектар ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланилмаётганлиги, ҳатто баъзи майдонлар қаровсизликдан жуда ёмон аҳволга тушиб қолганлигини таъкидлади.

Туман чорвадор фермерлар ассоциацияси (уюшмаси) бошлиғи Худойберган Эсчоновнинг айтишича, «Сардор» фермер хўжалиги 1996 йилнинг биринчи ярмидагина сут топширган — ҳаммаси бўлиб 6300 килограмм.

— Фермер хўжалигингиз фаолиятини уюшма ташаббуси билан тўхтатмоқчи эканлар, сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ўзим ҳам эплай олмаяпман, — деди фермер...

Кўр-кўрона, фақат рақам учун фермер хўжаликлари ташкил этиш оқибати ана шундай ачинарли бўлди. Чорвачиликдан ҳам, ҳисоб-китобдан ҳам хабари бўлмаган кишилар раҳбарлик қилган фермер хўжаликларида муваффақият ва фойда ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Уюшма ҳудудидаги «Турон» чорвачилик ҳиссадорлик жамиятида ҳам моллар бош сони камайиб кетяпти. Ҳиссадорлик жамияти айни кунда уюшмадан фақат ем-хашак эвазига бир миллион сўм қарздор. 1995 йил бошида аҳвол шу даражага етдики, боқишга шароит йўқлигидан 94 бош бузоқ тумандаги «Қоракўлчи» бўрдоқичилик хўжалигига, 50 бош бузоқ Абай номли бўрдоқичилик хўжалигига сотилди. Иккала хўжалик, мана салкам икки йил бўлдики, ҳиссадорлик жамиятига бу молларнинг ҳақи— 101 минг 800 сўм пулни бера олмаяпти. «Турон» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари эса фонд бўйича берилган кунжаранинг оҳирги 8 тоннасини олиш учун арзимас маблағни тополмай ўтиришибди.

Фермер Тўрамурод Примбетов 1995 йил бошида тайёрлов идорасига топширган бир бош молнинг ҳақини йил охирида олди. Қурбонбой Ражабов ҳам топширган моли ҳақини олиши учун бир йил сарсон бўлди. Унда ҳам турли ташкилоту идораларга арз қилгандан кейин.

Чорвадорларнинг топширилган сути ҳақини «Нукуссут» ҳиссадорлик жамиятидан олишлари учун 5-6 ойлаб кутишларига тўғри келяпти. Ҳиссадорлик жамияти 1996 йил давомида фермерларга бирон марта шартномада келишилган 25 фоиз бўнакни бермади. Шартномага кўра, «Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти сутни ўз транспорти билан олиб кетиши керак. Бу шарт ҳам бажарилмаяпти. Фермерларга сутни ўзлари элтиб берганлари учун ажратилган маблағ миқдорини эшитиб, кулишни ҳам, ачинишни ҳам билмайсан: 199 фермер хўжалигига ойига... минг сўм.

Балким, шунинг учун тумандаги фермерлар шартномадаги 1439 тонна сутнинг қарийб 600 тоннасини бозорда сотишни афзал кўришгандир? Бу сотилган сут ҳисобидан фақат 580 минг сўм тушумгина банкка топширилгани эса — алоҳида масала.

Бўрдоқичилик хўжалиги сотиб олган молини вақтида семиртириб, пуллай олмаган экан, тайёрлов корхонаси ишлаб чиқарган сариёг ёки колбаса сифатли ёки бозоргир эмаслигидан ўтмаётган экан, чорвадорнинг айби нима?

Чорвачилик ҳиссадорлик жамиятида подачи, сут соғувчи молнинг ҳақиқий эгаси, маҳсулдорлик ошишидан бевосита манфаатдор, деймиз. Лекин, «Турон» ҳиссадорлик жамиятидаги каби 1996 йил охирида ҳам март ойининг иш ҳақини олмаган бўлсачи? Шартномалар хўжакўрсинга тузилиб, ҳар иккала тарафга — маҳсулот етиштириб берувчи ва тайёрловчига масъулият юклнмаган бўлса-чи? Ёки масъулият ва жавобгарлик фақат қоғоздами?!.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕШ БАРОБАР ФОЙДА

***НАМАНГАН.** Чортоқ туманидаги «Ғалабанинг 45 йиллиги» жамоа хўжалигида сутни қайта ишлайдиган қўлбола цех бунёд этилди. Цехда кунига 1 тоннагача қуюлтирилган сут, қаймоқ, сузма, пишлоқ каби маҳсулотлар тайёрланмоқда. «Бир тонна сутни 10 минг сўмга сотиб, юраверган эканмиз, — дейди хўжалик раиси Илҳомжон Шарипов. — Ҳамма фойда маҳсулотни тайёр ҳолда сотишда экан. Ҳозир сутдан нақд беш баравар кўп фойдага эга бўляпмиз».*

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

КОМИЛ МАЪНАВИЯТ — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Кўҳна оламнинг қувонч сирлари — Наврўз айёмидадир.

* * *

Гўзалликнинг завол билмас элчилари
Наврўзи олам билан кириб келади.

Наврўзи олам — бу заминнинг уйғониши, нурларга чўлғонишидир.

Ҳаётнинг уйғонмоғи,
Ишқ оташин ёнмоғи,
Бу — Наврўзи оламдир!

* * *

Наврўзи олам — жамики ҳаётий қувончларининг, турфа гўзалликларнинг жамул-жамидир!

* * *

Сеҳрли оҳангларнинг янграши наврўздандир.

* * *

Наврўзи олам — бу умрларнинг қайта бошланиши.

* * *

Наврўзи олам — табиатнинг беътариф яшнашидир.

* * *

Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар.

Ал-Маъмун Али ибн Муса ар-Ризо.

Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замонанинг икки кўзидир.

* * *

ОТА-ОНАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

* * *

Ажаб саодат эрур қолса, яхшилик била от.

Алишер НАВОИЙ

* * *

Жаннат оналар оёғи остидадир.

* * *

Ҳаёт она алласидан бошланади.

* * *

Она эртаги — тарбия куртаги.

* * *

Манънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади.

Тўпловчи: Қобилбек КАРИМБЕКОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Истиқлол имкониятлари

«АНДИЖОН» ШАРБАТИ —ЖАҲОН БОЗОРИГА

«Андижон» агрофирма жамоаси замонга ҳамнафас бўлиб иш юритяпти. Бош раҳбару мутахассис-ишчиларда муаммолар ечимини топишга иштиёқ, ғайрат-шижоат кучайди. Улар Президентимизнинг халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида: «Қачонгача энг керакли, кўпчилик истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва бошқа товарларни четдан олиб келишга муҳтож бўлиб, ўзгаларга қарам бўлиб қоламиз?» деган ҳақли саволига амалий жавоб беришяпти. Илғор технологияларни қўллаб, хом ашё эмас, жаҳон бозори талаблари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтирди. Жанубий Кореянинг «Донко» фирмаси билан ҳамкорлик натижасида «Андижон» тамғаси билан (лотинча битилган) жаннатмакон юртимиз меваларининг рангдор тасвири туширилган, бир марта фойдаланиладиган, 250 граммли кўркам қути идишларга қадоқланган олма-узум шарбати жуда ҳаридоргир бўлиб кетди. Бодринг, помидор, карам тузламаларига кўплаб буюртмалар бўляпти. Яқин кунларда роҳатижон маҳсулотлар қаторига андижонча анклбенс-кетчуп қўшилди. 250 граммли, кичик, хушбичим шиша идишларга қуйилиб, рангдор ёрлиқлар ёпиштирилгани учун кетчуп харидорнинг эътиборини тортмай қолмайди.

— Ҳозир бир кеча-кундузда 17-18 минг шиша идишда кетчуп тайёрлаяпмиз, — дейди цех бошлиғи Маҳфузахон Содиқова. — Кун сайин маҳсулот миқдорини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

— Кичик ҳажмли шиша идишлар, уларга мос рангдор ёрлиқлар хорижда тайёрланганми? — дея мутахассисларга мурожаат қилдим.

— Йўқ, ўзимизда, — дейди қадоқлаш цехининг бошлиғи Рустамжон Мамажонов. — 250 грамм сиғимли шиша идишларни Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти, қопқоқ ва ёрлиқларни Тошкентдаги металлпласт корхонаси тайёрлаб беряпти.

«Андижон» агрофирмасида хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш, эски ускуналарни янгилаш, энг замонавий технологияларни ўзлаштириш асосида жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрланяпти. Кетчуп ишлаб чиқарувчи линиянинг ҳаракатга келиши ҳам бунинг мисоли.

Агрофирманинг помидор, карам, бодринг тузламалари, олма, беҳи, анор, узум шарбатлари, кетчуп сингари маҳсулотлари омборларда туриб қолмаяпти.

— Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ташкил этилган ярмаркада муваффақиятли қатнашдик, — деди «Андижон» агрофирмаси маркетинг бўлимининг бошлиғи Эргашбой Йўлдошев. — 380 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот учун ҳамкорлар билан шартнома туздик.

Ҳар бир жабҳада замонавий, хориж андозалари асосида иш тутилаётгани суҳбатдошларимизнинг сўзларини тасдиқлайди. Бир мисол. Тайёр маҳсулотларни иссиқлик таъсирида полиэтилен плёнкага ўровчи қурилманинг ишга туширилиши туфайли анча кўримсиз, камёб ёғоч яшикларга ҳожат қолмади. Бир неча идишдаги маҳсулот жамламаси полиэтилен қопламасида янада кўркам кўринади. Харидорнинг эътиборини тортади. Ортиб-тушириш учун жуда ҳам қулай. Камчиқимлигини айтмайсизми?

— Айни чоғда англиялик ишбилармонлар билан қўшма корхона ташкил этиш, Испания, Мексика тадбиркорлари билан алоқа ўрнатиш устида ишлаяпмиз, — дейди агрофирма бош директори, Олий Мажлис депутати Исоқжон Ваҳобов. — Хом ашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини тутамиз. Ниятимиз-жаҳон андозаларига мос маҳсулотларни кўпроқ тайёрлаб ички бозорни тўлдириш ва хорижга сотишдан иборат. Бу биримизни икки қилади.

Бундай ҳаракат «Андижон» агрофирмасининг иқтисодий қулочини кенгайтириб, Ўзбекистонни жаҳонга танитишга ҳисса қўшиши турган гап.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ТАХИАТОШ ГРЭСИ.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Хатларда ҳаёт акси

САДАҚАНИ КИМГА, НИМАГА?

Техникумда дарс бериб юрганимда фаррошимиз Ойша холани жуда ҳурмат қилардим. У ўта содда, уятчан, ҳалол инсон эди. Топшириқни озода, покизалик билан бажарардилар. Бу бева аёл бир қизи билан оддий ўзбекона хонадонда истиқомат қилардилар. Кунларнинг бирида у ишга келмай қолди. Билсак, шу куни электр симларнинг носозлиги туфайли учқун чиқиб, уйи ёниб, кул бўлган экан. Шундай оғир кунларда ўзини йўқотмай, дадил тутди. Икки йил икки жойда фаррош бўлиб, хизматни давом эттирди. Ундан ташқари бўш пайтларида қурут, писта, хўрозқанд, папирос сотиб тирикчилик ўтказди. Кам-кўстини тўлдириб, кўп вақт ўтмай уйни ярим-ёрти тиклаб олдилар. Бировдан бирон сўм сўрамади. Ҳалол меҳнат қилиб, 3-4 йил орасида бутунлай вайрона бўлган иморатни тиклаб олди, рўзғорни бутлади. У ўзгалардан қарз кўтаришга ёки садақа сўрашни ор билди.

Мустақил юртимизда шундай олийжаноб инсон кўплигидан, ҳар қандай оғир дамларда бардошлик билан туришларига ҳавасим келади, фахрланаман. Аммо оёқ-қўли бут, кўзи равшан, бели бақувват, билагида кучи бор баъзи ношукр бандалар уялмай-нетмай садақа, эҳсон сўрашаётганини кўриб ҳайратланасан.

Нон харид қилгани Шофайздаги дўконга бораётган эдим. Шу пайтда чорраҳадаги светофорнинг қизил чироғи ёниб қолди. Машиналар бирин-кетин 2 қатордан туриб қолди. Бу енгил машиналарнинг кўпчилиги шахсий эди. Улар олдига 2 та жўлдур кийинганлар югуриб: «Атаганингизни беринг, Оллоҳ сизга мададкор бўлсин», деб садақа сўрашяпти. Баъзи акахонлар, танти укахонлар 5, 10 сўмлик узатишяпти. Нон харид қилиб қайтаётсам, ҳалиги тиланчилар қўлларидаги пулни ҳамёнларидагига қўшаётган эканлар. Ёнларидаги ҳар дастаси кам деганда 300-400 сўм келади.

Бетимни қалини, жонимни ҳузури деганларидек куч-қуввати бор, соппа-соғ болалар, ўсмирлар, кексалар уялмай-нетмай садақа сўрашгани қизиқ. Шу ўринда Кўкалдош масжидининг аввалги имоми, 80 ёшли Қобилқори отанинг ибратли гапларини хотирласак:

— Ҳой, халойиқ! Мачитимиз атрофида ёш-ёш болалар, каттагина ёшдагилар жулдур кийиниб, баъзилари исириқ тутатиб садақа сўраётганларга раҳм қилманг! Улар сиздан, биздан яхшироқ даромад қиладилар. Меҳнат қилишга тоқатлари йўқ, қўнимсиз бу инсонлар юзсизларча садақа сўрашади. Садақани ночорларга, фожиали ҳодисаларга учраган кимсаларга, икки кўзи, оёғи, қўлидан ажраган, бахтсиз ҳодисаларга йўлиққанларга берсанглар арзийди. Бунинг савоби бутунлай бўлакча. Ким садақа сўраса ўшаларга ҳотамтойлик қилманглар.

Омонилло САЙДАМИН қори ўғли,
нафақадор муаллим.

Таҳририятдан: мана Рамазон ойи ҳам кириб келди. Камбағал ночор кимсаларга закот, фитрўза, эҳсон, садақа кабиларни бериш бошланди. Бундай эҳсонлар дуч келган кимсаларга эмас, балки ночор, камбағал, мискинларга, баъзан мадрасаларга бериш маъқулдир. Шу маънода ушбу мақола кўпчиликни мулоҳазага чорлар деган умиддамиз.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЖАРҚЎРҒОН НИМАГА ЎРМАЛАБ ҚОЛДИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 17 октябрь)

«Сурхондарёликлар Жарқўрғонни тоши ҳамиша қирга ўрлаган туман деб таърифлаб келишади... Бироқ кейинги пайтда жарқўрғонликлар ўз меҳнатининг баланд пардаларга тушмаётганидан гоҳи ҳайратланиб, гоҳи бош чайқаб гапирадиган бўлиб қолишган. Айниқса, деҳқонларнинг ер чизиб гапиришини кўрсангиз». Ана шундай андишаю мулоҳаза билан бошланган мақолада Жарқўрғондай довруғли туман нимага ўрмалаб қолгани хусусида фикр юритилган эди. Мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокими **Ж. Норалиев** ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари **М. Султонов** имзоси билан жавоб хатлари олинди:

Сурхондарё вилояти ҳокими:

Ушбу мақола вилоят ҳокимлигида комиссия тузилиб, ўрганиб чиқилди. Мақолада кўрсатилган хато-камчиликларни бартараф этиш, туманда ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш ва 1997 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида туман раҳбарияти ва жамоа хўжаликлари раислари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур чора-тадбирларнинг бажарилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Газетада чоп этилган «Жарқўрғон нимага ўрмалаб қолди?» сарлавҳали мақолани Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилигининг мутахассислари ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиладилар.

Ҳақиқатда Жарқўрғон туманидаги Ҳ. Олимжон номли, «Шарқ юлдузи», «Халқобод» жамоа хўжаликларида етиштирилган ғалла майдонларида сув етишмаслигидан уруғлик учун ажратилган майдонлардаги ғалла донлари яхши етилиб пишмаганлиги сабабли бу майдонлардаги ғалла ҳосили давлатга топширилиб юборилган, натижада туман бўйича уруғлик жамғариш режаси уддаланмаган.

Бироқ туман хўжаликлари барча имкониятлардан фойдаланиб, қўшни туман хўжаликларидан ва дон тайёрлаш корхоналаридан уруғлик дон олишиб 1997 йил ҳосили учун 9560 гектар майдонга кузги бошоқли дон экишиб белгиланган режани бажардилар.

Мақолада 1995 йил 15 октябрь куни туманда йиллик режанинг 0,86 фоизи миқдорида пахта тайёрланиб, 16 октябрда 1,69 фоизга кўтарди ва 17 октябрь куни суръат яна 0,51 фоиз бўлди деб кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам 16 октябрдаги пахта тайёрлаш маълумоти туман истиқболстат бошқармасида 14-15 октябрда хўжаликлар бўйича хирмон жойларда қуритишга қолдириб уни умумийлаштириб 16 октябрда топширилиши лозим бўлган пахта ҳисобига ўтказилиб кўрсатилган.

Пахта териш мавсумини ҳисобга олиб тумандаги тижорат бозори вақтинча ёпилган эди, лекин деҳқон бозори ва озиқ-овқат дўконлари ишлаб турган.

1996 йил 1 июль ҳолатига кўра қорамоллар бош сони 48107 бошни, майда моллар 121107 бошни ташкил қилиб ўсиш қайд этилган. Ўртача сут соғиб олиш 842,6 кг.ни ташкил қилиб 1994 йилга нисбатан 219,6 кг.га ўсиш бўлган.

Прокуратура, солиқ ва назорат инспекцияларининг тумандаги тадбиркорлик фаолияти билан иш юритаётган кичик ва қўшма корхоналарда ўтказган текширишлари натижаларига кўра 23 тасининг фаолиятлари ҳокимлик қарори асосида тўхатилиб, ҳисобий ишларни олиб бориш ва уларни яхшилаш устидан назорат ўрнатилган.

Пул эмиссиясини қисқартириш борасида туман ҳокимлиги қошида комиссия тузилиб, нақд пул оборотини кўпайтириш, корхона ва ташкилотларда пуллик хизмат тушумларини ўз вақтида банкларга топширишда амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Сентябрь-октябрь ойларида савдо ва бошқа ташкилотлардан тушум маблағларини таъминлаб эмиссия даражаси нисбатан пасайтирилган.

Нафақадорлар ва хизматчиларга тўланадиган қарз устида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, йилнинг охирига қарзлар батамом тўланиши белгиланган.

Сурхондарё вилоят агросаноат уюшмаси туман агрохизмат уюшмаси билан биргаликда мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда 1997 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида тадбир ишлаб чиқдилар ва ишларни шу асосда олиб бормоқдалар.

(«Хатларда ҳаёт акси» рукни материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади).

Узбекистон қаҳрамонлари

ТАБАССУМ БЕШИГИ

«Аёл билан баҳор кирар юракка» дейилади бир қўшиқда. Ана шундай гўзал баҳор билан қиёслагувчи аёл бизнинг Наманганимизда яшайди десак, ишонаверинг. Қалби дарё опамиз ҳаммани табассумга ўраб ташлаган шифокор. Шифокор бўлганда ҳам мустақил республикамизнинг энг чекка қишлоқларигача номи етиб борган Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқоровадир.

У ҳамиша бедор. Жамоат ишларини қўяверинг энди. Болали оналарни муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни юрак, буйрак, жигар, камқонлик, асаб касалликларидан фориғ қилишда опахон доимо хушёр туради ва амалий ёрдам беради. Чустми, Норинми, Учқўрғон, хуллас вилоятнинг қай бурчагида бўлманг, Ойша опа ҳақида «ярим тунми, қишми ё ёзми учиб келадиган дўхтир» дейишади. Айниқса, 1976 — 1990 йилларда санитария-авиация бўлимида ишлаганида бу аёлнинг жасоратига ҳамма тан берган. Ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам аёллар ўртасида кўп учрайдиган, ҳатто ўрганилмаган касалликларни даволашда шахсий намуна кўрсатиб, кўп хайрли ишлар қилган.

Касбни улуғлаш, аёл қалбига кириб бориш, унинг ички дунёсини кўра билиш, туғилган чақалоқни биринчи бўлиб қўлига олиб ҳаёт маъносини сезиш, англаш каби бахтни унга фидойи устозлари Роза Натановна Абрамова, Надежда Никитична Первенцовалар сингдиришган.

«Соғлиқни сақлаш аълочиси», олий тоифали акушер-гинеколог бўлмиш Ойшахон шу кунларда вилоят туғуруқ уйининг акушер-гинекология бўлимини бошқармоқда. У ажойиб уй бекаси, ширин таомлар устаси, ғамхўр ва меҳрибон она.

Буюк истиқлол туфайли Ойша опанинг тинимсиз меҳнати юксак баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ойша Қўчқоровага мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисод ислоҳотларини чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси, қаҳрамонона меҳнати учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон берилди.

...Ривоятларнинг бирида айтилишича, уч донишманд тоғ орасида, бир гўзал боғ қўйнида суҳбатлашиб ўтиришган экан. Шунда ўртага, дунёда энг гўзал нарса нима, деган савол ташлашибди. Бири тоғ, бири гулзор депти, учинчиси эса дунёда энг гўзал нарса бу чақалоқнинг табассуми, деган экан. Ҳа, бизнинг ҳам бетакрор Ойша опамиз гўдакларнинг биринчи табассумини кўриб, ўзи ҳам табассум улашаётган қалби дарё инсондир. У доялик қилган ҳаёт гулларининг сони 10 минг нафардан ошибди. Бахтни қаранг, ўн минг илк табассумни кўриб, ўзи ҳам шунча табассум улашган экан-а!

Зоҳида КЕНЖАЕВА,
Элсевар ҲАМДАМ.

Умр карвон экан

Тўртовлон тугал бўлиб, ажойиб бир давра қурдик. Суҳбатимиз шу кунги оммабоп мавзулардан бошқачароқ кечди. Бозор, тижорат, доллар савдоси ҳақида эмас, балки турмуш ва унинг келиб чиқиши хусусида сўзлашдик. Ҳамма ўз кўрган-кечиргани, ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни баён этди. Хуллас, гапни шундай бошладик...

ҚИЗ ТАНЛАШ

— Укамни уйлантирар бўлдик. Онам айтдилар: «Сўранглар-чи, гаплашиб юргани бормикин?» Сўрадик: «Ҳали уйланиш хаёлимда йўқ эдию...» деб чайналди. Онам: «Станг икков маслаҳатлашдик. Уйланасан, — дедилар шартта. — Синалмаганидан кўра, кўз олдимизда ўсгани яхши. Мана, Салиманинг қизи. Бинойидек! Укам кўнмади: «У қиз тўйларда ҳамма йигитлар билан ўйинга тушаберади. Менга ёқмайди!» Бизлар эса: «Бўлмаса ўзинг топгин» дедик.

Кун ўтди, ой ўтди. Олди тирамоқ. Тезроқ тўйни ўтказмасак, буёғи ёғинсочин... «Топибдими, суриштирингглар» дедилар отам. Укамни ўртага олдик. «Ҳали топмаган эмиш!» Шунда отам:— «Айтинглар, кейинги ҳафта пайшанбасигача қиз топмаса, жума куни Салиманикига совчи жўнатаман!» Укам биладики, отам бир сўзли. Индамасдан ўқишига жўнаб кетди.

Пайшанбаям келди. Ўзимизча укамга ачинамиз: «Энди нима бўларкин? Бечорагина...» Ҳартугул кечқурун илжайиб келди... «Янгиқишлоқдаги Гулсара деган қизга борингглар!» Енгил тортдик. Эртасига холам бошлиқ аёллар совчиликдан оқ ўраб келишди...

Ҳамроҳимизнинг гапларига кулишган бўлдик. «Бундайин усулларниям қўллаб кўриш керак эканда-а...»

СОВЧИЛИК

— Кичик овсиним турли башоратлар, сиру синоатларга жудаям ўч, денг. Қаерда толенома китоби чиқса, албатта топиб ўқийди. Бир куни жияни уникига сим қоқибди: «Тез етиб келинг. Онам йўқлаяптилар!» Борибди. «Синглим, жигаримсан, — депти опаси кўз ёши қилиб. — Шу жиянингнинг бошини иккита қилмоқчимиз. Ўзинг бир яхшигина қиз топгин...» Овсиним дарров жиянининг туғилган йили, ойи-кунини ёзиб китоби орасига солибди ва дугонасини ёнига олиб қиз қидирмоққа киришибди. Қизи бор ҳовлига кириши биланоқ «бўжалак келин»нинг қачон туғилганини суриштираверибди. Аниқлагач, қўлидаги толеномага тикилиб, алланималарни ҳисоблаб кетаркан. Ўтирганлар ҳайрон: «Бунақа совчини биринчи бор кўришимиз. Тавба!» Хуллас, бирор қиз жиянининг тақдирига тўғри келмабди.

Шу маҳаллада булар кирмаган яна бир ҳовли қолибди. «Шуниям кўрайлик» депти овсиним дугонасига. Бироқ, уй эгалари эшик очишмабди. «Ҳозирғина битта совчини жўнатувдик. Қизимиз ҳали ёш» дейишибди. Шунда овсиним товуш берибди: «Ҳеч бўлмаса қизингизнинг туғилган вақтини айтиб юборинг!» Эшик ортидан пиқ-пиқ кулги эшитилибди. Жаҳлланган овсиним дугоналарига дебди: «Юринг, қиз зоти қуриб кетмагандир. Йилу ойи тўғри келса бўлди-да!»

Умр карвон экан

ТУРМУШ ДЕГАНЛАРИ...

ёхуд даврадаги қизиқ суҳбатлар

«Ҳамма ишга кетгандан сўнг супуриб оларман!» Шу хаёлдан ўзим ҳам овуниб, эрта туришни бас қилдим. Икки кун ё уч кун ўтди-ёв... Ҳовлида бир шитобни сезиб уйғониб кетдим. Дераза оша ташқарига мўраладим. Ишонасизми... Қайнотам каттакон супургини олиб ҳовли супуряпти! О, ўшандаги ҳолатимни ҳеч тасаввур қилолмайсизлар. Шундан сўнг кунига эрталабданоқ ҳовли-кўчани ёғ тушса ялагудек қилиб супуришга одатланганман.

— Э, сиз уни айтасиз. Мен тушган хонадондагилар кирларни йиғиб ўтирмай, тез-тез ювиб олаверишаркан. Мен эса ҳафта охирида юварман деб уйлаб қўяверибман. Бир куни қайнонам катта тоғорага сув тўлатиб, ҳовли ўртасида кир ювишга тушиб кетдилар, денг. Уятдан ўзимни қўярга жой тополмай турсам, келиб қолдилар: «Келин, кир-чирингиз бўлса олиб чиқинг, қўшиб ювиб ташлай, ўргулай!» Менга шу нарса катта сабоқ бўлди. Ҳали-ҳали ҳафта охиригача кир қолдирмайман.

— Мен эса бир куни овқат пишираётганда тагига олдириб қўйиб...

— Мени айтинг, чучитилмаган ёғдан палов дамлаб, роса... қизарганман!

(Шунга ўхшаш ҳангомалар хўб ва кўп бўлди).

ОДАТУ ТАОМИЛЛАР

— Халқимизнинг қизиқ-қизиқ урф-одатлари бор-да. Бариси тарбияга хизмат қилади, барисида юз мазмуну юз бир моҳият кўрасиз. Тўй бошлаш арафасидаги таомилларни айтмайсизми... Бизнинг Самарқанд томонларда дастлаб совчиликка эркаклар боришади. Йигит-қиз бир-бировини ёқтирдими бас, дарров совчи жўнатилаверади. Тошканда эса бундаймаскан. Совчилар боришдан олдин қизу йигитни уларнинг қўни-қўшнисидан обдон сўраб-суриштиришаркан.

— Илгарилари қиз ва йигитни учрашувга янгалар олиб чиқарди. Икки ёшни гаплаштириб қўйиб, ўзлари бир четда кўнгил ёзиб, писта чақиб ўтиришаркан. Навбат музқаймоққа келганда икки янга бир-бирига мулозаматни ўрнига қўяркан. «Қани олинг» деркан кизнинг янгаси. Йигитнинг янгаси кўнмай:» Йўқ, аввал сиз олинг...» Иккови апоқ-чапоқ, гўё минг йиллик қадрдонлардай. Нариёқда эса ёшлар... Бўларича-бўлиб ўтиришибди уялишиб.

— Шаҳар жойда йигит ўзи ёқтирган қизни учрашувга таклиф этаркан. Белгиланган жойга йигит албатта бирор «совға» билан келаркан. Гулми ё бир қути ширинликми... Агар қизга йигит ёқса, унинг «совға»сини оларкан, бўлмаса йўқ. «Совға»си рад этилган йигит баъзан қўлидагини кўчага қараб ирғитаркан.

— Эҳ-а, буниси сал ноқулай экан, Ҳар қандай совға-салом бир-бирига маъқул бўлганидан кейин берилаверади-да. Агар қизга у йигит ёқиқирамадими, буни оиладаги яқин кишисига, секингина айтсин. Ахир, кўчада йигитни қизартириб... Янаям билмадим, урф-одатларимизнинг энг гўзал томонларини танлаб олмоғимиз керак-да.

— Қаранг, шаҳарда янаям ажойиб таомил бор. Қизи бўй етган хонадон совчилар учун алоҳида уйга жой ҳозирлаб қўйишаркан. Бегона ҳовлидан келган кишилар олдида шошиб қолмаслик учун. Ахир, совчи ўта сезгир халқ, тозалигу орасталик, муомалаю мулоҳазага кўп эътибор беради-да.

— Қишлоқлардаги одатни айтинг. Агар келган совчилар тугуни очилиб, патиру ширинликлар дастурхонга келтирилса, демак, уй эгалари қуда бўлмоққа рози. Агар тугун очилмаса...

— Э-ҳе, бундай урф-одатларни санайверсак, адоғи йўқ. Ҳали айтганимиздай, бариси яхшиликка хизмат қилади. Ҳа, яхшиликка...

ТУРМУШ ДЕГАНЛАРИ

— Турмуш деганлари... Тавба, бир умр унинг ичида яшайсану, нима эканлигини англаб етмайсан. Туғри қадам боссанг-ку, хўп-хўп, сал тойдингми мушти келиб бошингга тушади!

— Турмушнинг турган-битгани донишмандлик. Ҳар қадамда ўз сабоғини бераверади. Ёшлигингда олган сабоғнинг кексайганингда асқотиши ҳам мумкин. «Олтмишга чиққунингча ортингга қара» дейдилар-ку.

— Шу мақол хўп топиб айтилган экан. Орқа-олдига қарамай яшаётганлар кўп балоларга гирифтор бўлишади-да! «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деган гап ҳам бор.

— Ҳа, шукроналикка не етсин...

***

Суҳбат ниҳоя топмади ҳали. Умуман, бундай суҳбатларнинг охирига етиб бўлармикин? Йўқ, албатта. Бизнингча, уни давом эттиравериш лозим. Эшитганки бор, ўзига нимадир олади. Шуниси муҳимроқ аслида...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА ЎЙЛАШМОҚЧИ

ЛОНДОН. *Буюк Британиянинг «Санди Таймс» газетаси мухбирининг ёзишича, шаҳзода Чарльз ва малика Диана эндиликда ўзаро келишмовчиликларни тўхтатиб, фарзандлари келажаги ҳақида ўйлашга қарор қилдилар. Мақола муаллифи таъкидлашича, бу келишувчиликни тасодифий ҳол деб бўлмайди. Гап шундаки, ҳозирги пайтда инглизларни Буюк Британияда монархия сақланиб қоладими, йўқми деган биргина савол қизиқтирмоқда. Кўплаб инглизларнинг Чарльз ва Диананинг никоҳни бекор қилиши ҳақидаги қарорига салбий муносабатини ҳисобга оладиган бўлсак, монархиянинг кўп яшашига вақт кам қолган. Агар шундай бўладиган бўлса, Диана ҳеч қачон ўз орзу қилган нияти, яъни Буюк Британия қироллиги шоҳсупасида ўғли Уильямни кўра олмайди.*

ҚАМОҚХОНАДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

ТИРАНА. *Албаниянинг собиқ раҳбари Анвар Ҳожининг беваси қамоқхонадан муддатидан илгари озод этилди. 76 ёшли Нежмия Ҳожи 1993 йили давлат маблағларини ўзлаштирганликда айбланиб 11 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганди.*

БУГУН – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг беш йиллигини байрам қилмоқда

ЮРТ МУДОФААСИ – ОЛИЙ МАҚСАД

Озод юртимиз Қуролли кучлари сафида Ватан олдидаги йигитлик бурчларини адо этаётган ўғлонларимиз бугунги байрамни зўр шодиёна билан қаршиламоқдалар. Қуролли кучларимиз шахсий таркиби бу кунни сафлари мустаҳкамланган, ҳарбий техникани мукаммал ўрганган, ўқув ва машғулотларни аъло даражада бажариш, она-Ватанга чексиз садоқат руҳида нишонлайди. Ватан ҳимоячиларисиз сарҳадларимиз бедахллигини, мамлакатимиздаги барқарорликни тасаввур этиш қийин. Қуролли кучларимизда хизмат қилаётган оддий аскарлардан тортиб генераллару ҳарбий бошлиқлар халқимизнинг тинч ва осойишталиги, бунёдкорлиги, хотиржам ижод қилишлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Юрт бойлигини асраш, унинг мудофаасини таъминлаш ҳар бир ўғлон учун олий мақсад эканини ҳамиша ҳис этамиз. Ўзимизга хос фазилатлар, бой маънавий меросимизни асраш ва бойитишда анъаналаримизга содиқмиз.

Қуролли кучларимиз ўтган беш йил мобайнида муносиб йўл босиб ўтди. Бурилиш ва ўзгаришлар даврини бошдан кечирди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳарбий ислоҳотларимизга ҳам четдан томошабин бўлиб турганлар ишонқирамай қарадилар. Зеро, бу соҳадаги туб янгиланишлар, ташкилий ва таркибий ўзгаришлар ўз самарасини берди. Армиямизни тезлик билан оёққа туриши, мустақил юрт ҳимоясида собитлиги, муҳими, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси асосий ўринга қўйилгани шубҳаларга ўрин қолдирмади.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин орадан ярим йил ўтиб мамлакат ҳудудидаги барча ҳарбийликка даҳлдор нарсалар қонуний равишда мустақил юрт тасарруфига ўтказилди. Мудофаа тўғрисида, умумий ҳарбий хизмат, муқобил ҳарбий хизмат ҳақидаги ҳужжатларнинг эълон қилиниши, Конституциямизда Қуролли кучларимизнинг ҳуқуқий мақомини ифода этилиши ҳамда ҳарбий доктирина ҳақидаги муҳим аҳамиятга боғлиқ ҳужжатларнинг тасдиқланиши мудофаа қудратимизнинг янада мустаҳкамланишига замин яратди. Жойларда ҳарбий кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув муассасаларини очиш, махсус куллиётлар ташкил этиш каби масалаларга эътибор берилди. Айниқса, Марказий Осиё ҳудудида илк марта Қуролли кучлар академияси очилиши муҳим воқеага айланди.

Кейинги пайтларда Қуролли кучларимизни халқаро ҳамжамиятга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини яхшилашга эътибор қилинмоқда. Жумладан, АҚШ, Ғарбий Европа ва ҳамдўстлик мамлакатларининг кузатувчилари мазкур академия тингловчилари иштирокида ўтказилган техникавий машғулотларни кўриб юқори баҳоладилар. Узбекистон ҳарбий хизматчиларининг НАТО дастури доирасида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» деб аталган биргаликдаги ҳарбий машқларини АҚШда ўтказилгани эса халқаро алоқалар янада яхшиланиб бораётганидан нишона. «Кооператив оспрей-96» ҳамда «Ультрабаланс-96» каби халқаро машқларда ўғлонларимизнинг иштирок этганликлари ҳам Қуролли кучларимиз ривожланишида собитлик борлигидан далолатдир. Ҳа, юртимизда хизматни ўташ, ҳарбий техникани мукаммал ўрганиш, Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, истиқлолимиз ва ҳудудимиз бутунлигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилаверади.

Шуҳрат ҲОШИМОВ,
лейтенант.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) ва А. МАНТРОВ олган суратлар.

ЙИГИТМИСАН, ЙИГИТ

Сирасини айтганда, йигитлик бурчларини адо этиш учун хизматга отланган ўғлонларимизнинг кўпи мард фидойи ва танти экани кишини қувонтиради. Алижон Фармонов қисмимизга келганда бўз йигитлардан эди. Лекин у ўзининг фидокорлиги, бир ишга астойдил берилиши, билимга ташналиги билан бошқалардан ажрала борди. Ҳарбий хизмат давомида бир неча марта ташаккурномалар олди. Ҳарбий қисм командир ва офицерларига маъқул келиб қолди. Кўпчилик бир оғиздан Алижонни ҳарбийликка ўқитиб, илмини ошириш лозимлигига келишдик. У прапоршчиклар тайёрлаш мактабига боришга рози бўлди.

Билим масканида ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўғлон йигит прапоршчик унвонини олди. Қизиғи шундаки, яқиндагина бизнинг командирлигимизда хизматни ўтаб турган оддий аскар энди қаторимизда туриб мудофаа сир-асрорларини бошқаларга ўргатяпти. Ундаги ички интизом, тўғриғоғи инсонийлик ҳаммамизга ёқади. Мана, унинг ҳарбийликка келганига ҳам беш йил бўлибди. Демак, юртимиз Қуролли кучларининг тенгдоши, десак бўлади.

Рости, шу йигит ўзи билмаган ҳолда жасорат кўрсатади, деб кутмагандим. Тушлик чоғи ўзи яшайдиган бинога кириб, қўнғироқ тугмасини босаётганида рўпарадаги қўшни хонадон эшигидан тутун чиқаётганини сезиб қолади. Нима қилиш керак? Эшик қулф. Қўнғироққа ҳеч ким чиқмайди. Ичкаридан: «Бизни қутқаринглар... Олов, олов», деган овоз эшитилади. Бу менинг беш ёшли ўғлим Ғолибжон эди. Укаси ҳам хонада бўлган. Алижон вақтни бой бермай, эшикни куч билан бузиб, ичкарига кирадида, фарзандларимни ҳалокатдан қутқаради...

Бир қарашда оддий воқеадек кўринган бу ҳодисага ҳар ким ҳар хил қараши мумкин. Мен Алижоннинг бундай фидойилигини жасоратга йўйган бўлардим. Чунки юрагида ўти бор, лоқайдлик ва бефарқлик каби иллатларни ҳам тан олмайдиган ўғлонгина ўзини ана шундай халоскорликка уради. Ўйлайманки, бу воқеа оддий аскарлару ҳарбий бошлиқларга ҳам ўзига хос ибрат бўлғусидир.

Шаҳобиддин УСМОНОВ,
майор.

Туҳфа

Санъат ва адабиёт шайдоси Искандар Раҳмон она-юртга муҳаббат, садоқат, дўстлик ва тинчликни тараннум қилиш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иштиёқида кўплаб шеърлар ёзган. Унинг «Йўллардаги гуллар» китоби Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини 5 йиллигига бағишланган.

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН БЕШ ЁШИНГ!

Қутлуғ бўлсин беш ёшинг,
Эзгуликка эш ёшинг,
Кулсин толе қуёшинг,
Шон-шавкатли Армиям,
Шон-шуҳратли Армиям,
Сенда кўрган тарбиям:
Ҳурмати шул мадҳиям:
Бор бўл, яша дилбандим,
Эй, жигари пайвандим!

***

Истиқлол завқин туйган,
Истиқбол қуйин суйган,
Мардона қадам қўйган,
Шижоатли Армиям,
Матонатли Армиям.
Сенда кўрган тарбиям,
Ҳурмати шул мадҳиям:
Бор бўл, яша дилбандим,
Эй жигари пайвандим!

***

Дўстлик, тинчлик шиори,
Ҳамжиҳатлик ҳамкори,
Мустаҳкам пойдевори,
Эл-элатли Армиям,
Куч-қудратли Армиям,
Сенда кўрган тарбиям,
Ҳурмати шул мадҳиям:
Бор бўл, яша дилбандим,
Эй, жигари пайвандим!

***

Беш йилда беш асрлик,
Ҳарбиётда ҳар турлик,
Ишлар қилган арзирлик,
Жасоратли Армиям,
Маҳоратли Армиям,
Сенда кўрган тарбиям,
Ҳурмати шул мадҳиям:
Бор бўл, яша, дилбандим,
Эй, жигари пайвандим!

***

Қутлуғ бўлсин беш ёшинг,
Эзгуликка эш ёшинг,
Бўлсин омон Юртбошинг,
Садоқатли Армиям,
Саодатли Армиям,
Сенда кўрган тарбиям,
Ҳурмати шул мадҳиям:
Бор бўл, яша, дилбандим,
Эй, жигари пайвандим!

Искандар РАҲМОН.

ЭЗГУЛИК УРУҒИ

Инсоф, диёнат йўлида саъй-ҳаракат қилиш фазилат. Яхшилик қўлидан келмаса, ёмонлик қилмаслик ҳам ўзига хос хислат. Кўнгил овлаш, дард-кашлик одамийликдан нишона. Эсини таниган зот борки, ўзи ҳақида яхши фикрлар бўлишига интилади. Айтайлик, кетаётиб бехосдан чуқурликка тойиб кетса этак қоқиб кетавермайди. Бошқалар ҳам йиқилмасин деб, чуқурни текислайди, ҳеч бўлмаса бирор белги қўяди.

Юртимизда ана шундай тилаклар билан собит қадам ташланмоқда. Барқарорлик ҳукм сурмоқда. Эрксевар халқимизнинг буюк келажаги учун ўзига хос пойдевор қўйилмоқда. Мамлакатимизда одамлар осойишта меҳнат қилаётгани, уларнинг бунёдкорлик ва ижобий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратилгани эса, мудофаамизнинг мустаҳкамлигидан далолат. Айтмоқчиманки, осмонимиз мусаффо, аскарларимиз ҳушёр, сарҳадларимиз бедахлдир. Бундай иқлимнинг қадрига етиш, унинг фахрли ва масъулиятли экани ҳақида аскарларга такрор-такрор уқтирамиз. Юртга меҳр, ватанпарварлик туйғуси ҳар бир аскар учун олий неъмат эканини муттасил таъкидлаймиз. Кўнглимиз тўқ. Ўғлонларимиз ҳарбий хизматни ўз бурчларига ва қасамёдга содиқ ҳолда ўтамоқдалар. Вақтни беҳуда сарфлаш йўқ. Билимни ошириб, ҳарбий машқларга зўр бераверамиз.

Анвар АКБАРОВ,
бўлинма командири.

ОТА-ОНА ОРЗУСИ

Не ниятлар билан камолга етказган ўғлонни ҳарбий хизматга йўллаш ҳар бир ота-она учун шараф. Зеро, улар фарзандларни мусофирликда ҳаёт кечиришлари, ўзига хос синовларга дош беришлари, каттага ҳурмат кичикка шафқат каби инсоний фазилатларни намоён этишлари каби сифатларни оқлашда «жигарбандим уялтириб қўймасмикан», деган андишага борадилар.

Дарвоқе, ҳарбий хизмат аскарлар учун мардлик мактаби. Йигитлар Ватан олдидаги бурчларини адо этишда астойдил камарбаста бўлишга интиладилар. Биз уларни аҳил, меҳр-оқибатли, ака-укалардек хизмат қилишлари учун имкониятлардан фойдаланамиз. Чунки йигит киши учун ҳарбий хизмат фақат машқ майдонида ўзини кўрсатиш эмас, чуқур билим эгаллаш, инсоний фазилатларни намоён этиш ҳамдир. Муҳими, падари бузруквори-ю волидаи муҳтарамалари юзларини ёруғ қилиш, умидларини рўёбга чиқариш, қалбларида фахр туйғусини жўш урдиришда ўғлонлар ҳаракати алоҳида ўрин тутади. Биз ёш аскарлар Ватаннинг муносиб посбонлари бўлиб камол топаётгани, миллатимизга хос қадриятларни эъзозлашаётгани билан фахрланамиз.

Фазлиддин НАРЗУЛЛАЕВ,
шахсий таркиб билан ишлаш бўлинмаси командирининг ўринбосари.

«ҲАРБИЙЛАР» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввал қуйида таърифланган 8 та ҳарфли сўз ва номларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Узун стволли ўқотар қуроли. 2. Милоддан аввалги 329-327 йилларда Юнон истилочиси Искандарга қарши кўтарилган халқ қўзғолони раҳбари. 3. Қўшин бошлиғи, қўмондон. 4. Аҳоли яшайдиган манзилда доимий ёки муваққат жойлашган ҳарбий қисм ва ҳарбий муассасалар мажмуи. 5. Ўзбекистон билан Афғонистонни кўприк орқали бирлаштирувчи маскан. 6. Ҳарбий кенгаш, маслаҳат сўзининг қадимий атамаси. 7. Мамлакатнинг ҳарбий қурилиш вазифалари белгилаб берилган расмий қоидалар тизими. 8. Ҳарбий қисм бошлиғи, зобит. 9. «Юрақдаги ўқ», «Сайёд жасорати» асарлари муаллифи, жангчи ўзбек адиби. 10. Хавфга қарши курашчан, фаол ҳолат. 11. Ботирлиги ва мардлиги билан шуҳрат қозонган кишига бериладиган унвон. 12. Тош отиш учун фойдаланилган қадимий, ҳарбий қурол.

МУАММОНОМА: Қуйидаги ҳикматларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Амир Темур:
Қилич — ул йигитнинг 3, 4, 10, 20, 21, 6, 12, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли, анинг 15, 23, 20, 13, 16, 18, 12 ила динсизларни динга солмоқ мумкин.

2. Алишер Навоий:
Ватан таркини бир нафас айлама, 5, 7, 16. Ранжу ғурбат ҳавас айлама.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:
Кўпдин бериким ёру 20, 12, 8, 13, 12, 25 йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
17, 19, 10, 20, 12, 25 бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

4. Низомий Ганжавий:
Халқ хизматига ярашга интил,
Хулқинг била бу жаҳонни 9, 21,22. қил.

5. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий:
Қуёш нури беркитилмайди,
14, 16, 15, 12, 15, 16, 18 шаъм сўнмайди.

6. Хусрав Деҳлавий:
Истасанг дунёда бахту саодат,
16, 3, 10, 16, 11, 12, 10 қардошлар дийдорин одат,
Бу кўҳна оламда айлагин бунёд,
24, 12, 13 нарсаки, халқинг этсин сени ёд.

7. Абулқосим Фирдавсий:
Еримиз, 9, 23, 1, 12, 25, 12, 22 фарзандимиз деб,
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,
Бирма-бир жонимиз этамиз 2, 12, 20, 21.
Ватанни душманга бермаймиз асло!

Энди шакл марказидаги рақамларнинг жавоб сўзларидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан XI — XII асрларда яшаган форс мумтоз шоири Маъсуд Салмоннинг икки мисра ҳикмати аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Аломат дунё ҳангомалари

АЙЁР ЭГИЗАКЛАР

Париж. Радио орқали 272 километр масофага спортнинг марафонча югуриш тури мусобақаси ғолибига 1.750 доллар пул мукофоти қўйилгани эълон қилинди.

Афсус мусобақа ғолибидан мукофотни қайтариб олишди. Маълум бўлишича, совриндор — эгизакларнинг бири ярим йўлда «эстафета»ни иккинчисига узатиб юборган экан-да.

INTERNET UZ INFOCENTRE -ON-LINE РАК

БИТИМ ИМЗОЛАНАДИ

ПАРИЖ. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Франциядга расмий ташрифи бошланди. Ўзаро музокаралар давомида бу ерда Франциянинг «Элф-Акитэн» компанияси билан навбатдаги нефть битими имзоланиши кўзда тутилмоқда.

ПАРЛАМЕНТНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

МИНСК. Бу ерда Белорусь миллий йиғилиши юқори палатасининг биринчи сессияси кеча ўз ишини бошлади. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, 56 нафар депутатдан юқори палатага 52 нафари сайланган. Яна 8 нафар депутат республика Президенти томонидан тайинланади. Юқори палатага сайланган депутатларнинг 30 фоизини аёллар, 25 фоизини саноат корхоналари директорлари ва тахминан 20 фоизини эса интеллигенция вакиллари ташкил этади.

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНАДИ

ВАРШАВА. 13 январь куни Польшага Руминия Президенти Эмиля Константинеску уч кунлик расмий ташриф билан келди. У бу ерда Польша Президенти, Бош вазири сейм ва сенат раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Руминия раҳбари Польша парламенти икки палатасида халқаро масалалар бўйича комиссиянинг йиғилишида сўзга чиқиши кутилмоқда. Польша Президенти матбуот хизмати хабарига кўра, ташриф давомида икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Европа хавфсизлиги ва интеграцияси масалалари ҳам муҳокама қилинади.

ЎЗИНИ ЎЗИ ЁҚМОҚЧИ БЎЛДИ

СЕУЛ. Жанубий Кореяда қабул қилинган янги меҳнат қонунчилигига қаршилик рамзи сифатида Улзан шаҳридаги Хундай автомобиль заводи ишчиси ўзини ўзи ёқиб юборишга ҳаракат қилди. Ҳозирча унинг аҳволи оғир. Завод эса номаълум муддатгача ёпиб қўйилди. Сеул шаҳар суди 7 нафар касаба уюшмаси раҳбарларини иш ташлашга чорлашда айблаб, қамоққа олиш ҳақида полицияга кўрсатма берди.

ҲАМОН ТЕРРОРЧИЛАР ҚЎЛИДА

ЛИМА. Перу пойтахтидаги Япония элчихонаси ҳудудида ўтган жума куни эрталаб яна ўқлар овози эшитилди. Полиция дарҳол жанговор ҳолатга келтирилди. Бироқ полиция бу отишмага аралашмади. Ҳозирги пайтда элчихона биносида 74 киши гаровга ушлаб турилибди, Перу Бош вазири А. Пандольфи баёнотига кўра, ҳукумат гаровга олинганларни озод қилгандан кейин террористларни қабул қилишга рози бўлган мамлакатни қидирмоқда.

13 ЯНВАРЬ ВОҚЕАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ВИЛЬНЮС. Бу ерда кеча Литва сейми 1991 йил 13 январда юз берган фожиали воқеаларга бағишланган махсус йиғилиш ўтказилди. Маълумки, ўша маъшум кунларда Вильнюсда телеминора, радио ва телевидение, бошқа стратегик иншоотлар ҳарбийлар томонидан эгаллаб олиниши натижасида 13 нафар қуролсиз киши ҳалок бўлган ва 500 киши жароҳатланган эди. Ушбу фожиали кунга бағишланган тадбирлар мамлакатнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилади.

Ғайри-табиий ҳодисалар

ОМАДСИЗЛИК ОСОНМАС

Гана. Футбол мухлисларининг гувоҳлик беришича «Акра Эйвенджер» командаси бинойидек ўйин кўрсата олса-да, барибир рақибларининг устунлигини сезиб енгишларига кўзлари етмай қолди. Шунда рақиб командадаги 18 ёшли ўйинчини туртиб йиқитишди ва команданинг 11 нафар ўйинчиси бирдан тўпланиб олишди, майдон ўртасида Ниобо Транжени аёвсиз топтай бошлашди. Ўйинчини уларнинг оёғи остидан қутқариб олишганда, афсус кеч бўлганди...

— Бу даҳшатли, қонли воқеа наинки жиноят, балки ҳеч бир спорт қоидасига тўғри келмайдику?! Спорт тарихида бундай ҳодисани кўз кўриб, қулоқ эшитмаганди, — дейди томошабинлар эсанкираб.

Футболни шиддат ўйини ҳам дейишади. Йигитлар ҳар қанча шавқ билан ўйнасалар-да, омад кулиб боқмади. Омадсизликни кўтариш эса осонмас...

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997 yil 14 yanvar, seshanba № 6 (22.091).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ЭНГ КУЧЛИ ТЕННИСЧИЛАР

Юртимизда спортнинг теннис турини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Теннис билан шуғулланиш, мусобақалар ташкил этиш учун барча қулайликлар яратиляпти. Пойтахтимиз ва вилоят марказларида чет эл андозаларига мос теннис кошоналари барпо этилди. Спортчиларимиз сафи ҳам кенгайиб, маҳоратлари ошиб бормоқда. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафи учун курашишмоқда. Айниқса, Дэвис, Буюк ипак йўли ҳамда «Президент кубоги» каби халқаро баҳслар, «Ҳавас» мусобақаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши билан бирга ёшларнинг спортни мазкур турига ихлосини оширмоқда. Куни кеча юртимиздаги энг кучли теннисчиларнинг йил бошидаги мақоми эълон қилинди. Ўнтадан эркак ва аёл теннисчилар рўйхатига Олег Огородов, Дмитрий Томашеевич, Вадим Куценко, Темур Хонхўжаев, Ғанишер Раҳматуллаев, Абдуҳамид Маҳкамов каби иқтидорлар киритилди. Хотин-қизлардан Лилия Биктаякова, Ирода Тўлаганова, Оксана Ярикова каби теннисчилар рўйхат бошида туришибди.

РИНГДА КИМ ҒОЛИБ?

• Спорт

Мамлакатимизда спортнинг бокс турига қизиқиш катта. Юртимиз чарм қўлқоп усталари ўтган йили халқаро ва олимпиада мусобақаларида ўзларини кўрсатдилар. Улар янги мавсумни ҳам кўтаринки руҳда бошлашди. Чирчиқда Ўзбекистон кубоги учун мусобақада 88 нафар йигит рингга кўтарилди. Ғолиблик учун баҳсда янги номлар кўзга ташланди. Чунончи, республика жисмоний тарбия институти талабаси Ғайрат Бейсекулов таниқли боксчи Дилшод Каримовни мағлубиятга учратиб, мухлису мутахассисларни ҳайратга солди. Шунингдек, вазнларига кўра Уйғун Сиддиқов, Фарҳод Бакиров, Дилшод Ёрбеков, Дилшод Йўлдошев, Алишер Раҳимов, Муҳамммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Руслан Чагаев, Лазизбек Зокировлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Мусобақа якунига кўра, республика миллий терма жамоаси таркиб топди. Боксчиларимиз Покистонда ўтказиладиган халқаро мусобақага ҳозирланмоқдалар.

Муборак Рамазон мутолааси

ҲИДОЯТГА ЧОРЛАСИН КЎНГИЛ

Аллоҳга йўл — тасаввуф, яъни руҳингни ва вужудингни унга бағишлаш: ҳам ботиний, ҳам зоҳирий унга маъқул келадиган иш қилиш, яшамоқ демак.

Маълумки, Аллоҳ ҳеч нарсага муҳтож зот эмас. Биз, бандалар ундан нажот ва мадад сўраймиз. Бу — ҳақ гап.

«Қуръонда сизлар фақат биз билдирган нарсаларнигина билурсизлар, дан олдин сезади, «юрагим безовта бўлиб турувдия ўзи», «кўнглим сезувдия ўзи» деган гаплар бежиз эмас экан.

Муҳаммад пайғамбаримиз: «Тақво мана бу ердадир», деб қўлларини муборак кўкракларига қўйганлар-ку!.. Аллоҳ ҳар бир мўмин мусулмоннинг юрагида, қалбида! Ҳатто барг ҳам Аллоҳнинг иродасисиз тушмас экан. Тухумда игдир: чин таркибини ҳеч ким аниқ билмайди.

Қуёш нури тушиб турган жойнинг чангида касаллик йўқлиги — Аллоҳнинг қудратидир! Кесилган жойга ўша тупроқдан босилса, касалликдан асар ҳам йўқлиги — Аллоҳнинг қудратидир!

Йиғи ёши — аччиқ, қувонч ёши — ширин бўлиши — Аллоҳнинг қудратидир! (Қаранг, бўлмаса иккиси битта кўз ёши томчиси).

Бўри бир неча километр узоқдан яқинлашаётган дўстми ё душманлигини сезади (Банда эса бундан ожиз. Воажаб).

Товус патларини энг моҳир рассом ҳам мутаносиб ва рангдор қилиб ясолмаса керак. Табиатдаги жамики жонзот, ҳатто илону қурбақа, калтакесагу юмронқозиққача, туя ҳам инсонга гўзал бўлиб кўринади қандайдир жиҳатлари билан. Нега?

Булар — Аллоҳ қудратидир.

Эй дўстлар, агар тўғри сўзлаётган бўлсам, Аллоҳдан. Алаҳсираётган бўлсам — ўзимдандир.

Уч юлдузни бир-бирига жуда яқин — битта чизиқда, қуёш гардишини, ойнинг одам чеҳрасига ўхшашини, булутларда рамзий шаклларни кўрсам, табиат вужудимга бошқача таъсир этса, оқар сувда завқ ва ҳаёт шитобини, гирдобчаларини кўрсам, кўлмак — ҳаракатсиз сувга (сассиғига) ачиниш сезсам, ижирғансам, қушнинг ёзган қанотларига маҳлиё бўлсам, тошлар ҳам ўсишини (каттаришини) ҳис қилсам, жамики касалликка инсоннинг ўзида ҳам табиатда дори-дармон борлигини билсам... Ҳа, чеҳрамиздаги нурни Аллоҳ беради!

Илон ҳам биринчи меҳрингизга қараб иш тутаркан — дўст ё душман бўлиб қоларкан. Бўридаги вафо, шердаги рашк, бургуту уккининг парвози, лочин, дельфинларнинг дўстлиги (ёрдами), ҳатто игна учидек қумурсқанинг ҳаракати. Қадамимизда кимнингдир қошу кўзи зарраларини босиб ўтишимиз... Баргнинг яшаши... Сувнинг нимагадир шошиши... Чигитдек уруғдан етилган тарвуз, ошқовоққа ҳайрат! Дарахтлар мевасидан маржон тақиши, битта жойдан гул ҳам, тикан ҳам униб чиқиши... Чиримаган нарсанинг ўзи йўқлиги... Оддий шамол, сувга тоб беролмаслиги... Ер остида олов ҳам, олтин ҳам сероблиги, ҳар қандай сунъий темир-бетонларнинг нураши, оддий ёғоч эса асрлар бўйи туриши, чинор умри бир неча авлод умридан зиёдалиги... Ҳайрат!!! Яна Ҳайрат...

Аллоҳдан буюк, қудратли бошқа бирон зот борми, оламда! Бутун-бутун инсоният фақат Аллоҳ деб келади. Ва абадий шундай!..

Ҳамид ИКРОМОВ.

Бугуннинг ҳикояси

ЭЗГУЛИК ЯШАЙДИ БУ ЮРТДА

Тўрт фаслнинг ҳар ойида олис Деҳқоноободдан алоқачи қизлар қўнғироқ қилиб сўрашарди: «Тошкентми, бир тоғликлар билан гаплашинг...» Дарров танийман: «Ҳусан Эшмуроддан бошқа ҳеч ким эмас». Бир қур омонлашгач, у пойтахт ҳавосини, адабиёт, газета, ҳаёт, яшашдан сўрайди. Сўнг хайрлашаётиб: «Бу Ҳасан, Чори ака, Усмонлар сизни сўраётибди. Айниқса «Окработ»да янгилик кўп», деб қўярди.

Мана, икки ойки, ул ёқдан ҳеч ким қўнғироқ қилмайди. Чунки, менинг юрагимга тоғликлар муҳаббати-ю, бир дунё ҳайратни солиб кетган дарёдил шоирдан яқинда айрилдик. Энди кўксимни армонли саволлар ўртайверади: «Деҳқонободни пойтахт билан боғлаб турган кўприкнинг ўрни қандай тўлади? Тоғликларнинг қувонч-ташвишларидан қандай воқиф бўламиз?»

УЧ ЙИЛ АВВАЛГИ ГУРУНГДАН: «Тўғриси «Деҳқонобод» деган ном ҳеч бизга ўтиришмайди-да. Энди билмадик, номига муносиб эмас. Ўйланг ахир, бу ер — тоғлик жой бўлса, деярли деҳқончилик йўқ ҳисоб. Фақат чорвачилик, баҳоли қудрат ғаллачиликдан иборат. Асл номини биров «Тангҳарам» дейди, яна биров «Тангри ҳарам» дейди. Хуллас, қайсиниси тўғри, у ёғи бизга қоронғу. Яна ким билади дейсиз, раҳматлик Қодир бахшини эшитиш керак.

Яна бир қўнғироти гапни эшитинг. Бу ернинг ризқини Худо бериб қўйибди. Лекин кейинги йилларда юзимиз қизариброқ турибди. Негалигини биласиз. Чорвамиз оқсаяпти, ғаллани...»

Гурунгни шоирнинг сал даҳалроқ овози бўлиб юборди: «Э, оғайнилар, нолиш инсофдан-мас. Мана, яхшиси мен эртага бу мухбирга мулла Карим буванинг тажрибасини бир кўрсатаман. Қани, Ўзбекистоннинг қайси бир бурчагида энг оғир ва нозик соҳа бўлмиш чорвачиликдан бу одамчалик катта муваффақиятларга эришган ким бор экан? Ё бўлмаса, «Окработ» хўжалигини кўрсин».

Ўшандаям куз эди. Ой сутдай ёришган кечада Ҳусан акадан «Сиз тарафларда осмон шунчалар яқинми? Қаранг юлдузлар бошимиз устида тургандай-а» дея сўраганим ва у кишининг «Э, силар шаҳари назар бўлиб қолгансизлар-да, бўлмаса юлдузларни эринмасдан битталаб бемалол санаса бўлади» деб кулиб жавоб берганлари ҳали-ҳали эсимда. Эртаси куни ўша машҳур тадбиркор отахонни излаб тополмаганимиздан сўнг (Тошкентга — катта бир йиғинга кетган экан) «Окработ» хўжалигининг раиси Усмон Ашуров ҳузурига бордик. Одатда аксарият хўжаликларнинг бошчилари биров келса, дарров бош ҳисобчи ва иқтисодчини чорлаб, қоғозлар сўрайди. У киши эса тоғликларга хос тўпорилик билан «далага борамиз. Ўша ёқда гаплашамиз», деди. Йўл-йўлакай қилинган ва қилинмаган ишларни айтиб кетаверди. Айниқса, чорвачиликдаги ечимини излаётган муаммолар ва Деҳқонобод шароитида чорвага бўлган муносабатни тубдан қандай ўзгартириш кераклиги хусусида ўзини қийнаётган мулоҳазаларни очиқ айтди. Мени унинг хўжалик фаолиятида учрайдиган энг қимматли далил ва рақамларни бирма-бир қолдирмай, хотирасида чўтга қоқиб, ҳисоб-китоб қилгани ҳайратлантирди. Кейин билдим, асл касби иқтисодчилик экан. Ғалла ҳосилдорлиги туманда кейинги йилларда пасайиб кетаётганлиги ва бу муаммони ҳал этиш қийинчилик туғдираётганини куюниб гапирди. Ярим кун дала айландик. Фермалару кўтонларни бирма-бир кўрсатиб, чўпончўликларга юзма-юз қилди-да, ўзи четлаб турди. Қайтишимизда «Улар менинг олдимда балки дардини айта олмас, шунинг учун ҳоли қолдирдим» деди кулимсираб.

Дарвоқе, Усмон ака ҳозир ҳам «Окработ»нинг ташвишида юрибди. Ўтган уч йилнинг заҳмати ва қувончи унинг юз-кўзларида сезилади. Аввалгидан кўра сал вазмин тортган. Гапларим бугунга уйқаш: «Аввалари ўйлардим. Раҳбарлик мактабларида ўқиганлар нега элга аралашиб кетолмайди деб. Энди билсам ҳар қандай раҳбарни ҳам халқнинг ўзи тарбиялар экан. Энди эскича ишлаш вақти ўтди. Буйруқбозлик, ўзибўларчилик ва боқимандалик билан узоққа боролмаймиз. Яна қайтараман, барибир халққа суяниш керак. Ана шундагина юз ёруғ бўлади. Ахир қаранг, шундай катта бир юртнинг ташвиши-ю-қувончини юрагига сиғдираётган юртбошимиз барча бўғиндаги раҳбарлардан фақат эл-улус дардида ёниб ишлашга, Ўзбекистон деган ном билан фахрланиб яшашга даъват қилаётир. Ана шу чорловга жавоб бера олмаган раҳбар билан ёруғ манзилга етиб бўлмаслигини бугунги куннинг мураккаб синовлари кўрсатди».

Бу гаплар ўзининг бир ўзбаки фалсафаси, жайдари тажрибалари туфайли тоғликлар орасида баҳоли қудрат обрў, меҳр топган Усмон Ашуровнинг кўнглидаги оддийгина мулоҳазалар. Уларга қўшимча қилолмадим. Ўзи эса кеча сим қоқиб, «мана, оғир юмушлар ҳам тугади. Энди қиш билан андармон бўламиз» деди. «Бу, дам-пам деган гаплар ҳам бор дунёда» дедим илмоқли қилиб. У киши кулди-да «Нимасини айтасиз, Деҳқонободда яшашнинг ўзи дам олишдай гапку», деб қўйди...

Норқобил ЖАЛИЛ.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

ALLAYORNI YOD ETIB

NUKUS. Qoraqalpoq xalqining suyukli farzandi, davlat va jamoat arbobi Allayor Dosnazarov tavalludining150 yilligi munosib nishonlandi. Berdaq nomidagi sana`t saroyida uning nomi yod etildi. Yig`ilishni Qoraqalpog`iston Respublikasi Jo`qorg`i Kengesi Raisi Ubbiniyoz Ashirbekov A. Dosnazarovning hayoti va ijodiy faoliyati haqida ma`ruza qildi.

Reyimboy YESHIMBETOV.

30 YILDA 11 MING TIBBIYOTCHI

JIZZAX. Eshonqul Xudoyqulov nomli tibbiyot bilim yurti jamoasi qadrdon bilim maskanining o`ttiz yilligini nishonladi. Bu davrda bilim yurtida 11 ming nafardan ziyod tibbiyot hamshirasi, akusher-doya kasbini o`rgangan yoshlar hayotga yo`llanma olishdi. Ular hozir Sirdaryo, Jizzax viloyatlari va Qozog`iston shahar-qishloqlarida el sog`lig`i yo`lida xizmat qilishmoqda.

Keldiyor JO`RAQULOV.

NONI BUTUN XO`JALIK

NAVOIY. Navoiy tumanidagi K. Raximov nomli jamoa xo`jaligida g`alladan yuqori hosil yetishtirilmoqda. O`tgan yili 973 tonna sara don tayyorlanib, hosildorlik 35 sentnerga yetkazilgan edi. Bu yil hosildorlikni 40 sentnerga, yalpi hosilni 1000 tonnaga yetkazish mo`ljallanmoqda. Shu maqsadda 279 gektar maydondagi kuzgi don maysalari sifatli parvarish qilinyapti.

Muzaffar SHAROPOV.

УАЗ

"ОСИЁ-ВОЛГА"

МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан УАЗ-3962 русумидаги автомобилларни ва УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни



СОТАДИ.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16А уй, 221-хона

Телефонлар: 41-58-51, Факс: 41-52-41.

Диққат!

ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА

"Осиё бозори" маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини 30% АРЗОН НАРХЛАРДА чоп этади.

Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс (3712) 33-54-55.

Аломат дунё ҳангомалари

Италия. *Рим филармонияси оркестрини ихлосмандлар зўр олқишлар билан қарши олишади. Айниқса, оркестрнинг дирижёри шаънига гулдурос қарсаклар чалишиб, саҳнага гулдасталар ирғитиб, кузатиб қолишарди. Мусиқа шинавандалари жамоанинг навбатдаги концертигаям шундай кўтаринки кайфият билан кириб келишди. Афсус, бу сафар улар концерт залидан бироз ноҳуш кайфиятда тарқалишди.*

Чунки фожиали воқеа рўй берди.

ҒАЗАБЛАНГАН ДИРИЖЁР

Полициячининг гапига қараганда, оркестрнинг дирижёри Эмилио Пинья мусиқанинг авж пардасида иккинчи скрипкачиси Луиджи Мединанинг яна «орқада» қолаётганини сезиб қолди. Қайта-қайта репетиция пайтида «огоҳлантириш олган Мединанинг яна ўз билганидан қолмаётгани дирижёрнинг газабини қўзғатди. У таёқчаси билан Мединани «огоҳлантириш»га ҳаракат қилди. Қани энди скрипкачи тушуна қолса... У азбаройи жаҳл отига минганидан қўлидаги алюминдан ясалган дирижёрлик таёқчасини скрипкачининг накд юрагига суқиб олди...

Мединани зудлик билан Бентонни касалхонасига элтишди. Жарроҳлар уч соатча уриниб скрипкачининг жароҳатини «тикиб» қўйишди.

Оркестр эса дирижёрсиз қолди...

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 28.931 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.10

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА